
Бағдод туманида оилавий корхоналар сони 283 тага етди

Жорий йилнинг 1 июнь ҳолатига кўра, Бағдод туманида рўйхатдан ўтган корхона ва ташкилотлар сони 2 минг 273 тани ташкил этди. Эътиборлиси, мазкур субъектларнинг 1 минг 675 таси аввалдан фаолият юритиб келган бўлса, 158 таси январь-май ойлари мобайнида давлат рўйхатидан ўтган.

Хўжалик юритувчи субъектларнинг 513 таси ташкилий-ҳуқуқий шакли бўйича масъулияти чекланган жамиятлар, 560 таси хусусий, 283 таси эса оилавий корхоналардир.

Шунингдек, туманда хорижий капитал иштирокидаги корхоналар 11 тани ташкил этмоқда.

Бағдод тумани ҳокимлиги Ахборот хизмати.

2023-06-15 10:23:26